

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАМЗАЕВА НИЛУФАР ТОШТЕМИРОВА

**БОЛАЛАРДА COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Тошкент шаҳри мисолида)**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Хамзаева Нилуфар Тоштемировна

Болаларда COVID-19 инфекциясининг

эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасини

такомиллаштириш (Тошкент шаҳри мисолида)..... 3

Хамзаева Нилуфар Тоштемировна

Эпидемиологическая характеристика

COVID-19 у детей и усовершенствование

профилактики (на примере г.Ташкента)..... 23

Khamzaeva Nilufar Toshtemirovna

Epidemiological features and improvement

of epidemiological surveillance of COVID-19

(In the example of the city of Tashkent)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАМЗАЕВА НИЛУФАР ТОШТЕМИРОВА

**БОЛАЛАРДА COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Тошкент шаҳри мисолида)**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib2315 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyo-net» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матназарова Гулбахор Султановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Искандарова Гулноза Тўлқиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Амет Мадреймов
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100133, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150 78 14

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Гаджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А Ибадова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Вирусли юқумли касалликлар тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир. Янги коронавирус инфекцияси тез суръатлар билан дунё микёсида кенг тарқалди ва соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий муаммога айланди. ЖССТ нинг маълумотларига кўра «...умумий касалланганларнинг 10,0-15,0% 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этди...»¹. SARS-CoV-2 хўжайин организмда турли худудларда тарқалишида мутацияга учраши ва ҳосил бўлган янги вирус штаммининг ўта ўзгарувчанлиги ҳамда генетик сараланиши сабаб, мураккаб эпидемиологик вазиятлар вужудга келди, бу пировард натижада COVID-19 га нисбатан иммунитет шаклланиши ва инфекция тарқалиш қонуниятларининг ўзгаришига олиб келди. Шу жиҳатдан, коронавирус инфекциясини эрта ташхисотининг замонавий усуллари кўллаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш, ўлим ҳолатларини олдини олиш амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасини такомиллаштиришда қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари, эпидемиологик назоратни кучайтириш, касалланиш кўрсаткичларини башоратлаш, касалликдан соғайгандан ва эмлашдан сўнг вирусга қарши иммун жавобнинг давомийлиги, болалар қонида SARS-CoV-2 га қарши IgM ва IgG даражаси, болаларни ушбу касалликдан химоя қила оладиган вакциналарни ишлаб чиқиш, коронавирус инфекциясидан соғайганларни эмлаш муддатларини белгилаш, сероэпидемиологик таҳлиллари асосида эпидемияга қарши чоратадбирлар, даволаш, реабилитация ишларини ташкиллаштириш ҳамда коронавирус инфекциясига қарши юқори самарали профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиш кабилар катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли юқумли вирус касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасини такомиллаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш

¹Global Burden of Disease 2021. World Health Organization Geneva. <http://www.who.int/publications>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири, вирусли юқумли касалликлар ҳисобланади, юқумли касалликларнинг 80% ни вируслар келтириб чиқаради (Багненко С.Ф., ва ҳаммуаллифлар, 2021, Zhang W, et al., 2020). Янги коронавирус инфекцияси тез суръатлар билан дунё миқёсида тарқалди. COVID-19 инфекцияси вируси илгарилари аҳоли орасида тарқалмаганлиги, аҳоли SARS-CoV-2 билан контактда бўлмаганлиги туфайли, аҳоли орасида популяцион иммунитет мавжуд эмаслиги сабабли, аҳолининг ушбу касалликга мойиллиги юқори. Ушбу инфекция билан барча ёшдаги кишилар касалланади. Ёш болаларда касаллик енгил, сублиник шаклда кечса, катта ёшдаги кишилар ва қарияларда ушбу инфекция оғир ҳамда ўта оғир шаклда кечади (Никифоров В.В. ва ҳаммуаллифлар 2021, Курбанов Б.Ж. ва ҳаммуаллифлар, 2022, Lauriola M., et al., 2021).

COVID-19 инфекциясини турли ёшдаги болалар ўртасида учрашининг эпидемиологик таҳлилини ўтказиш ва илмий асосланган мажмуавий профилактик чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш муҳимдир. Ўзбекистон ҳудудида коронавирус инфекциясининг эпидемиологик жиҳатларини таҳлил қилишга бағишланган бир қатор ишлар бажарилган Б.Ж.Курбанов, (2022), У.Э.Эралиев (2024), С.И.Улмасова (2024), бироқ, болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасини такомиллаштирилмаган.

Мамлакатимизда коронавирус инфекциясини болалар ўртасида кечишининг эпидемиологик хусусиятларини асослаш, болаларнинг COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик таҳлили, COVID-19га қарши болаларни эмлаш самарадорлигини гуморал иммунитетни таҳлил қилинмаган. Болалар орасида COVID-19 инфекциясини профилактикасини такомиллаштириш бўйича ҳаракат алгоритминини ишлаб чиқиш ва унинг профилактикасини такомиллаштириш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011800228 сонли «Болалар ва катталарда

бактериал, вирусли ва паразитар инфекцияларнинг замонавий босқичдаги муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятларини баҳолаш ва профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик таҳлили;

болаларнинг COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик таҳлили;

COVID-19га қарши болаларни эмлаш самарадорлигини гуморал иммунитет ҳолати бўйича баҳолаш;

болалар орасида COVID-19 инфекциясини профилактикасини такомиллаштириш бўйича алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг 2020-2023 йиллар ҳамда 2024 йилнинг 6 ойидаги COVID-19 инфекцияси ҳақидаги расмий маълумотлари, COVID-19 инфекциясининг эпидемик ўчоқларида ўтказилган 300 та эпидемиологик карта материаллари, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 16- ва 18-оилавий поликлиникаларга мурожаат қилган болаларнинг амбулатор тиббий картаси ҳамда 025 шакл маълумотлари (n=57) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасини такомиллаштиришда беморлардан олинган вена қони, қон зардоби, Балғам материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасини амалга оширишда эпидемиологик, ретроспектив, оператив таҳлил, серологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳоли орасида мурожаатлар, эпидемиологик, ретроспектив ва оператив таҳлиллар ва самарали монитроингнинг юқорилиги, аниқлиги, аҳолининг тиббий саводхонлигининг самараси ҳисобига COVID-19 билан касалланиш даражасининг ҳудудлардаги касалланишнинг ўртача кўрсаткичларига нисбатан юқорилиги асосланган;

COVID-19 билан касалланишнинг ретроспектив таҳлиллари асосида болалар популяциясида уч ёшдаги болалар орасида эмлашга қарши кўрсатма мавжудлиги, уларнинг таббӣй иммун тизимининг пастлиги ҳисобига «иммун бўшлиқ» ҳосил бўлганлиги натижасида COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичлари 7-18 ёшдаги бўлган болаларга нисбатан кескин юқорлиги исботланган;

5-11 ёшли болаларни COVID-19га қарши mRNK li BNT162b2 (Pfizer/BioNTech) вакцинаси билан эмлашдан кейинги 51-кун сероконверсия даражаси тўлиқ таъминланиши ҳисобига касалликнинг юқиш хавфини камайиши, вирус юққандан кейинги кечиши даржасининг енгил ўтиш ҳолати исботланган;

COVID-19 инфекцияси профилактикасини болалар орасида такомиллаштириш учун асосий ва бустер миқдорда эмлаш муддатлари ҳамда вакциналарни қўллаш самарадорлигини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларнинг COVID-19 инфекцияси билан касалланишининг эпидемиологик таҳлили ўтказилган;

республикада коронавирусга қарши 5-11 ёшли болаларни эмлашда фойдаланилган “BNT162b2 (Pfizer–BioNTech) вакцинасининг самарадорлиги баҳоланган;

бирламчи, иккиламчи, учламчи профилактик чора тадбирларни COVID-19 инфекциясининг тарқалишига таъсири баҳоланган;

COVID-19 инфекцияси профилактикасини болалар орасида такомиллаштириш учун асосий ва бустер миқдорда эмлаш муддатлари ҳамда вакциналарни қўллаш самарадорлигини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган эпидемиологик, ретроспектив, оператив таҳлил, серологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасининг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқотнинг илмий аҳамияти COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичлари 0-7 ёшдаги болалар ўртасида, 7-18 ёшдаги болаларга нисбатан 3 баробар юқори бўлганлиги, 5-11 ёшли болаларни COVID-19 га қарши эмлашда mRNA ли BNT162b2 (Pfizer-BioNTech) вакцинасининг юқори самарадорлиги, COVID-19 га қарши эмланган болаларда эмлашдан кейин 51-куни сероконверсия даражаси 100% ни ташкил этганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 инфекциясининг болалар орасида профилактик чора-тадбирлари такомиллаштирилиш орқали шифохоналарда ўрин-жойлар сони, дори воситалари ва шахсий ҳимоя воситалари захирасини тайёрлаш орқали иқтисодий сарф ҳаражатларни 2060374,81 сўм миқдорда тежамлашниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасини такомиллаштириш (Тошкент шаҳри мисолида) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: аҳоли орасида мурожаатлар, эпидемиологик, ретроспектив ва оператив таҳлиллар ва самарали мониторингнинг юқорилиги, аниқлиги, аҳолининг тиббий саводхонлигининг самараси ҳисобига COVID-19 билан касалланиш даражасининг ҳудудлардаги касалланишнинг ўртача кўрсаткичларига нисбатан юқорилиги асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 20 июндаги 06-23/64-t-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига

сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича 18.08.2024 йилдаги 05-12⁶/4419-сон, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси бўйича 25.09.2023 йилдаги 128-П-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/108-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* болалар орасида мурожаатлар, рероспектив ва оператив таҳлил ва самарали монитроинг ҳамда аҳолининг тиббий саводхонлигининг самараси ҳисобига COVID-19 билан касалланиш даражасининг ҳудудлардаги касалланишнинг ўртача кўрсаткичларига нисбатан юқорилиги инобатга олиб, ташхислаш ва чоратадбирларни амалга ошириш учун хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болалар орасида COVID-19 билан касалланиш даражаси камайтириш натижасида ўртача бир курс даволаниш натижасида кунига ўртача 109000 сўмдан бир марталик даволаниш учун бир беморга 763000 сўмни, агар асоратлар қайт қилинса, йилига тўрт марта даволаниш учун 3052000 сўмни ташкил қилади. COVID-19 билан касалланиш даражасининг камайтириш учун бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 3052000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: COVID-19 билан касалланишнинг ретроспектив таҳлиллари асосида болалар популяциясида уч ёшдаги болалар орасида эмлашга қарши кўрсатма мавжудлиги, уларнинг таббий иммун тизимининг пастлиги ҳисобига «иммун бўшлиқ» ҳосил бўлганлиги натижасида COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичлари 7-18 ёшдаги бўлган болаларга нисбатан кескин юқорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 20 июндаги 06-23/64-t-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича 18.08.2024 йилдаги 05-12⁶/4419-сон, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси бўйича 25.09.2023 йилдаги 128-П-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/108-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланишнинг ретроспектив таҳлиллари асосида болалар популяциясида уч ёшдаги болалар орасида эмлашга қарши кўрсатма мавжудлиги, уларнинг таббий иммун тизимининг пастлиги ҳисобига «иммун бўшлиқ» ҳосил бўлганлиги натижасида COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичлари 7-18 ёшдаги бўлган болаларга нисбатан кескин юқорлиги ҳисобига болалар орасида мурожаатлар, рероспектив ва оператив таҳлил ва самарали монитроинг ҳамда аҳолининг тиббий саводхонлигининг самараси ҳисобига COVID-19 билан касалланиш даражасининг ҳудудлардаги касалланишнинг

ўртача кўрсаткичларига нисбатан юқорилиги асосланиб, ташхислаш ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 билан касалланишнинг ретроспектив таҳлиллари асосида болалар популяциясида уч ёшдаги болалар орасида эмлашга қарши кўрсатма мавжудлиги, уларнинг таббӣй иммун тизимининг пастлиги ҳисобига «иммун бўшлиқ» ҳосил бўлганлиги натижасида COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичлари 7-18 ёшдаги бўлган болаларга нисбатан кескин юқорлигини камайтириш натижасида ўртача бир курс даволаниш натижасида кунига ўртача 120000 сўмдан бир марталик даволаниш учун бир беморга 1080000 сўми, агар асоратлар қайт қилинса, йилига икки марта даволаниш учун 2160000 сўми иқтисод қилиш имконини берган. COVID-19 билан касалланиш даражасининг камайтириш учун бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2160000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: 5-11 ёшли болаларни COVID-19га қарши mRNA li BNT162b2 (Pfizer/BioNTech) вакцинаси билан эмлашдан кейинги 51-куни сероконверсия даражаси тўлиқ таъминланиши ҳисобига касалликнинг юқиш хавфини камайиши, вирус юққандан кейинги кечиши даражасининг енгил ўтиш ҳолати исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 20 июндаги 06-23/64-t-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича 18.08.2024 йилдаги 05-12^б/4419-сон, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси бўйича 25.09.2023 йилдаги 128-П-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/108-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 5-11 ёшли болаларни COVID-19га қарши mRNA li BNT162b2 (Pfizer/BioNTech) вакцинаси билан эмлашдан кейинги 51-куни сероконверсия даражаси тўлиқ таъминланиши ҳисобига касалликнинг юқиш хавфини камайиши, вирус юққандан кейинги кечиши даражасининг енгил ўтиш ҳолати юқорилиги ҳисобига эрта ташхислаш ва самарали даволаш чора-тадбирларни амалга ошириш учун хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19га қарши mRNA li BNT162b2 (Pfizer/BioNTech) вакцинаси билан эмлашдан кейинги 51-куни сероконверсия даражаси тўлиқ таъминланиши ҳисобига касалликнинг юқиш хавфини камайтириш натижасида ўртача бир марталик вакцина бир нафар бола учун 303000 сўми, умумий 205 нафар вакцина олган болалар учун 65145000 сўми иқтисод қилиш имконини берган. COVID-19 билан касалланиш даражасининг камайтириш учун бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 303000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 инфекцияси профилактикасини болалар орасида такомиллаштириш учун асосий ва бустер миқдорда эмлаш муддатлари ҳамда вакциналарни қўллаш самарадорлигини баҳолаш

алгоритми ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 20 июндаги 06-23/64-т-сон билан тасдиқланган «Болаларда COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўйича 18.08.2024 йилдаги 05-12^б/4419-сон, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси бўйича 25.09.2023 йилдаги 128-П-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/108-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 инфекцияси профилактикасини болалар орасида такомиллаштириш учун асосий ва бустер миқдорда эмлаш муддатлари ҳамда вакциналарни қўллаш самарадорлигини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган болалар орасида мурожаатлар, рероспектив ва оператив таҳлил ва самарали мониторинг ҳамда аҳолининг тиббий саводхонлигининг самараси ҳисобига касалланиш даражасининг хавфини камайтиришнинг самарали чора-тадбирларни амалга ошириш учун хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 инфекцияси профилактикасини болалар орасида такомиллаштириш учун асосий ва бустер миқдорда эмлаш ҳисобига касалланиш даражасини камайтириш натижасида бир нафар бола учун 303000 сўми, умумий 205 нафар вакцина олган болалар учун 65145000 сўми иқтисод қилиш имконини берган. COVID-19 билан касалланиш даражасининг камайтириш учун бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 303000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятларининг замонавий таҳлили»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги мавзуга доир илмий манбаларнинг таҳлили ёритилган. Коронавирус инфекцияси кўзгатувчисининг тарқалиш хусусиятлари, аҳоли ёш гуруҳлари орасида коронавирус инфекцияси билан касалланиш даражаси, турли аҳоли гуруҳларида коронавирус инфекциясига қарши эмлашнинг ҳамда COVID-19 инфекциясида иккиламчи профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳақида маълумотларнинг ечимини топишга муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Болаларда COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ва тадқиқот материаллари ҳамда усуллариининг тавсифи келтирилган.


Бунда эпидемиологик усул, серологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилди. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси (СЭО ва ЖСҚ) нинг республикада 2020-2023 йиллар ва 2024-йилнинг 6-ойида кузатилган COVID-19 инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари бўйича расмий маълумотлар таҳлил этилган. COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражаси, унинг мавсумийлиги 100 минг аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичда, касалланиш ва ўлим ҳолатининг ўртача коэффиценти аниқланган ҳамда касалланиш даражаси республикада вилоятлар кесими ва Тошкент шаҳри бўйича қиёсий ҳолда берилди. Касалланиш ҳолатлари ўрганилаётган ҳудудда яшовчи аҳоли сонига, жинсга, ёшга мувофиқ равишда таҳлил қилинди. Тадқиқот учун материаллар СЭО ва ЖСҚ ва Тошкент шаҳар бошқармасининг COVID-19 инфекцияси билан хасталанган болалар тўғрисидаги расмий маълумотлари, болаларнинг қон зардоби, коронавирус билан касалланган беморлар, уларни тиббий кузатиш, стационар шароитдаги беморнинг тиббий картаси ва коронавирусга қарши эмланганлик тўғрисидаги сертификат ва сўровнома олинган. Олинган натижаларга статистик ишлов беришда «Microsoft Excel» 2016 дастуридан фойдаланилди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг арифметик ўртача қийматини (M), стандарт оғиш (σ), ўртача стандарт хато (m) ва нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва параметрик бўлмаган статистика усулларидан фойдаландик.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида COVID-19 инфекциясининг ретроспектив эпидемиологик таҳлили»** деб номланган учинчи бобда 2020-2023 йиллар ва 2024 йилнинг 6 ойида Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг кўп йиллик, йиллик динамикаси ва касалланишнинг болалар орасида тарқалганлиги, эпидемиологик хусусиятларини таҳлили натижалари тақдим этилган.

2020-2023 йиллар ва 2024 йилнинг 6-ойида Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили ўтказилганда, республикада 2020-2022 йилларда коронавирус инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичи кескин кўпайгани аниқланган, COVID-19 инфекцияси билан касалланишни ҳудудлар бўйича

тақсимланишини таҳлил қилганимизда, касалланишнинг нотекис тарқалганлиги аниқланди, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида кузатиладиган бўлиб, касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига 1756,80 ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда COVID-19 билан хасталанган болаларнинг сони жуда кам бўлган бўлиб, жорий этилган қатъий карантин чора-тадбирлари ва айниқса, болалар ва ёши катталарни алоҳидалаш тактикаси улар орасида касалланишнинг катталарга нисбатан 5-6 баробар кам бўлишига сабаб бўлди, бу кўрсаткич 14 ёшгача бўлган болалар орасида 100 минг аҳолига нисбатан 127,23га тўғри келган. Аммо, пандемия давом этгани сабабли, айнан шу гуруҳда 2021 йилда «иммун бўшлиқ», яъни антитаначалар шаклланмаган гуруҳ пайдо бўлиши, ҳамда улар орасида касалланишнинг кўтарилишига олиб келди 100 минг аҳолига нисбатан 390,73ни ташкил этди. 2022 йил бу кўрсаткич 49,21 ни, 2023 йил 111 ва 2024 йилнинг 6-ойида бў кўрсаткич 502,41ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, 14 ёшгача бўлган болалар орасида охириги йилларда касалланиш кўрсаткичи жадал ўсиб бормоқда (1-расмга қarang).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 14 ёшгача бўлган болаларнинг касалланиш кўрсаткичи (2020-2023 йиллар ва 2024 йил 6 ойи мобайнида (100 минг аҳолига нисбатан)).


Тошкент шаҳрида аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари юқори эканлигини ҳисобга олиб, касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлилини Тошкент шаҳри бўйича ўтказдик.

Тошкент шаҳрида касалланиш кўрсаткичини туманлар кесимида таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди. Бектемир туманида касалланишнинг интенсив кўрсаткичи бошқа туманларга нисбатан юқорилиги 100 минг аҳолига 5502,1 эканлиги аниқланди.

Сирғали туманида эса нисбатан касалланиш кўрсаткичи паст даражада бўлган ва 100 минг аҳолига 307,5 ни ташкил этган. Бунга пандемия даврида туманга чет элдан келган фуқаролар сони бошқа туманларга нисбатан кам сонда бўлганлиги ва бу умумий касалланиш кўрсаткичига ҳам ўз таъсирини ўтказгани сабаб бўлган. Тошкент шаҳрининг бошқа ҳудудларида касалланиш кўрсаткичлари турли даражада бўлиб, Янги ҳаёт туманида касалланишнинг интенсив кўрсаткичи 1821,72, Учтепа туманида -1631,2, Олмазор туманида -

1337,3, Чилонзор туманида - 1946,4, Яккасарой туманида - 2493,5, Юнусобод туманида - 1955,95, Шайхонтохур туманида - 1605,78, Мирзо Улуғбек туманида - 2686,75, Миробод туманида - 2285,5 эканлиги аниқланди (2-расмга қаранг).

Тошкент шаҳрида касалланишнинг кўп йиллик динамикасини таҳлил қилганимизда касалланиш 2023-йилга келиб кескин пасайганини кўришимиз мумкин: 2020 йили ҳар 100 000 аҳоли сонига касалланиш кўрсаткичи ўртача 2842,67 тўғри келган, ушбу кўрсаткич 2021-йилга келиб 4158,3 ни ташкил этган. 2020 йилнинг 15 март ойдан 2022-йилнинг январ ойигача бўлган даврда Тошкент шаҳрининг барча туманларида яшовчи аҳоли орасида COVID-19 билан касалланиш динамикасининг ўсиши кузатилди. 2022-йил январ ойидан касалланиш кўрсаткичи аста-секин пасайиб, 100 000 аҳоли сонига 2130,67 ни, 2023-йили 273 ни ташкил этган.



2-расм. 2020-2023 йилларда Тошкент шаҳрида туманлар кесимида коронавирус инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичларининг таҳлили натижалари (100 минг аҳолига нисбатан).

Шу йиллар ичида COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичлари динамикасида ўсиш кузатилиб, 4 та эпидемик авж олиш даври аниқланган, биринчи кўтарилиш касалланишнинг юқори кўрсаткичлари 2020 йилнинг июн-сентябр ойларида 100 минг аҳолига нисбатан 49,9дан 630,3гача, иккинчи кўтарилиш 2021-йилда июн-июл ойларида 302,9 дан 1320,1 гача кўтарилган, учинчи кўтарилиш даври эса 2021 йил декабр ва 2022 йил январ ойларида 59,5дан 809,36 гачани, тўртинчи давр 2022 йил июн-сентябр ойида кузатилиб, касалланишлар кўрсаткичи 41,57 дан 494,96 гача кўтарилган. Бундан кўриниб турибдики, касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари 2021-йилда июн-июл ойларига тўғри келган. Олиб борилган самарали профилактик ва эпидемияга қарши карантин чора-тадбирларнинг татбиқ этилиши натижасида 2023 йил охирига келиб, 2024-йилдан Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида коронавирус инфекцияси билан

касалланиш кўрсаткичлари кескин камайиб борган. Ёш болалар гуруҳлари бўйича 2020-2023 йиллар кесимида касалланишни таҳлил қилганимизда 2020-йилда 0-7 ва 7-18 ёшдаги болалар ўртасида коронавирус инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичлари динамикасида юқорига кўтарилиш тенденцияси (2021 йил июл ойида 4878; 2022 йил июл ойида 878) ($1,53 \pm 0,13$), 2022 йилдан бошлаб 0-7 ёшдаги болаларда эса касалланиш (2021 йили июл ойида 3314; 2022 йил июл ойига келиб 2704) ($1,09 \pm 0,13$) ($p > 0,05$) кўтарилганлигини ва 2022 йил июл ойидан бошлаб 7 ёшгача болаларда, 7-18 ёшдаги болаларга нисбатан касалланиш 3 баробар юқори кўрсаткичларда сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса шу йили июн ойида Ўзбекистон Республикасига COVID – 19 нинг Omicron штамми кириб келиши билан боғлиқ бўлган.

Касалланиш кўрсаткичини бир ёшдагиларга нисбатан 7-14 ёшдагилар орасида юқорилиги бу ёшдаги болаларнинг кўпчилиги уюшган жамоаларга қатнаши ва касалликнинг юқиш эҳтимоллиги юқорилиги билан боғлиқ. Профилактик ва иммунопрофилактик чора-тадбирларини самарали олиб борилиши натижасида касалланиш кўрсаткичи 2023 йилга келиб кескин камайганлигини кўришимиз мумкин. 2023-2024 йил 6 ойида касалланишнинг асосий қисми 2 ёшгача болалар улушига тўғри келмоқда ва бу улар иммун қатлам шаклланмаган гуруҳ экани билан боғлиқ.

Биз тадқиқотнинг кейинги босқичида COVID-19 инфекцияси билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида 2022 йилнинг 1-январидан 28-февралгача Тошкент шаҳрининг Миробод, Мирзо Улуғбек, Бектемир, Учтепа, Олмазор, Чилонзор туманларидаги жами 6616 нафар COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларнинг эпидемиологик текширув хариталарини таҳлил қилдик. Касалланганларнинг ёш бўйича таҳлилида 18-49 ёшдаги гуруҳда энг кўп 3375 нафар касалланганлар қайд этилган (51,03%), бу эса иш фаолияти юқори бўлган ёшлар гуруҳида касаллик тарқалишининг юқори эканини кўрсатади. Кекса ёш гуруҳи 50 ёш ва ундан катталар 2081 ҳолатни ташкил этган, бу эса жами ҳолатларнинг 31,4% ни ташкил этади. 946 нафар (14,3 %) 14 ёшгача болалар улушига тўғри келган. Шундан уюшган болалар 48,97% уюшмаган 51,03% ни ташкил этган ($P < 0,001$).

Касалланганларнинг жинслар бўйича таҳлилида аёл жинсига мансуб беморларнинг касалланиш ҳолатлари умумий ҳисобда юқори бўлиб, (59,3%), эркеклар эса 40,7% ташкил этган. 14 ёшгача бўлган болаларда катта ёшлилардан фарқли равишда ўғил болаларда касалланиш кўрсаткичлари 52,8%ни ташкил қилган ва нисбатан юқори бўлиб, қиз болаларга нисбатан камроқ, яъни 47,2% тўғри келди.

18 ёш ва ундан юқори ёшдагиларда аёлларда 58% ни, эркеклар орасида 42% ни ташкил қилган. Энг юқори улуш 50 ёш ва ундан юқори ёшдаги контингентлар орасида 61,5% аёллар 38,5% эркеклар улушига тўғри келган ($P < 0,001$).

Касалланганларнинг юқиш ўчоқлари бўйича таҳлилида 14 ёшгача бўлган болаларда касалликнинг манбалар асосан оила аъзолари яъни оилавий мулоқотда бўлган умумий 76,3% ни, 3 ёшгача болаларда энг асосий инфекция ўчоғи оиласи бўлиб 86,1% ҳолатда оиласида касалланиш юқтирган.

COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларнинг уйда даволанганлар 85.9%, Зангиота-1 шифохонасига даволаниш учун ётқизилганлар 7.8% ни ташкил этади, ва бунда асосий улуш 3ёшгача болалар 11,7% ва 50 ёш ва ундан катталар 14,7% улушига тўғри келган.

Ҳар бир беморнинг мулоқотдагилар сонини таҳлил қилганимизда кўп ҳолатларда (29,9%) касалланиш 8-14 нафаргача соғлом одамларга касаллик юқтирган. 15 нафардан кўп мулоқотда бўлганлар эса умумий кўрсаткични 10.4% ни ташкил этган ($P < 0,001$).

Касалланганлар орасида эмланганлик ҳолати номаълум бўлганлар 14.8% бўлиб, улар орасида ёш ва катталар сони нисбатан тенг. Эмлангандан кейин қайта хасталанганлар орасида касалликнинг оғир ва ўта оғир касалланиш ҳолатлари кузатилмаган ($P < 0,001$).

Диссертациянинг «COVID-19га қарши эмланган болаларнинг гуморал иммунитет ҳолатини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда болаларда коронавирус инфекциясига қарши қўлланиладиган BNT162b2 (Pfizer–BioNTech) вакцинасининг самарадорлигини баҳолаш таҳлили натижалари баён этилган.

COVID-19 инфекциясига қарши BNT162b2 (Pfizer–BioNTech) вакцинасининг самарадорлигини баҳолаш учун Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 5-11 ёшгача эмланган болалар гуруҳи танлаб олинди. 2022 йил 5 октябр ойдан бошлаб тадқиқотимиздаги 576 181 нафар болалардан 7238 нафари 1 дозани олишган, шулардан 7158 нафари 2 дозани қабул қилган, 568 943 нафар болалар умуман эмланмаган.

Эмлаш амалга оширилган 16-оилавий поликлиникалардаги 205 нафар болаларнинг қон зардоби намуналарида SARS-CoV-2га га қарши IgM ва IgG синфига мансуб антитаначалар (Ат) ни аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб борилди.


